Ушбу сонда:
2 Ҳуқуқий маслаҳатхона — ХИЗМАТ САФАРИ
3 ЭНГ ЯХШИ СИҲАТГОҲЛАРИМИЗ
4 Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда — ИНСТИТУТ СПОРТ МАЖМУИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 12 июн, сешанба №90 (1104)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЭЛИНИ РОЗИ ҚИЛГАН БАРАКА ТОПАДИ

Яқиндагина Минскда МДҲ, кейин эса Ялтада ГУУАМ давлатлари раҳбарлари саммитларида иштирок этиб, мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид талай халқаро масалаларни ҳал этиб қайтган Президент Ислом Каримов 9 июн куни Қашқадарё вилоятига сафар қилди.

Мазкур сафардан кузатилган мақсадни Президентимизнинг ўзи шундай таърифлади: аввало, қишлоқ хўжалик юмушлари ўта қизғин паллага кирган бугунги кунда меҳнаткашлардан ҳол-аҳвол сўраш, ғалла ўрим-йиғими ва ғўза парваришига оид ишлар билан жойида танишиш, одамларнинг кайфиятидан бевосита бохабар бўлиш.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Қамаши туманидаги «Чем» жамоа-ширкат хўжалигида бўлди. Бу ерда у ижарачи Абдимурод Бозоровнинг бўғдойзорида деҳқонлар билан суҳбат қурди. Суҳбатда А.Бозоров ўтган йили ўз даласига «Улуғбек-600» навини экканини, лекин бу нав Қамашининг шароитига унчалик мос келмаганини айтди. Шунинг учун бу йил «Уманка» нави уруғлик учун экилиб, синаб кўрилмоқда. Натижа ёмон эмас. Сув нисбатан камроқлигига қарамай, омилкорлик билан қилинган меҳнат ўз самарасини бермоқда - ҳар гектар майдондан 52 центнергача ҳосил олиняпти.

Юртбошимиз суҳбат чоғида эътиборни чекилаётган харажатларни камайтириб, фойда миқдорини ошириш масалаларига қаратди. Бугунги деҳқон фақат меҳнат қилишни эмас, қайси йўл билан кўпроқ фойда олиш мумкинлигини ҳам билиши энг муҳим ва долзарб масалалардан биридир, деди Президент. Бундай пухта ҳисоб-китобни йўлга қўймай туриб, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни жадаллаштириш қийин.

Икки йилдан буён давом этаётган сув танқислиги халқимиз учун ўзига хос синов бўлди, деди Юртбошимиз. Ана шундай мураккаб шароитда қашқадарёликларнинг ғалла тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини бажариши халқимизнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлашда улкан ҳисса бўларди. Айни чоғда, раҳбарлар вилоятда ишни янгича ташкил этиш масаласини янада жиддийроқ ўйлаб кўриши керак. Мисол учун, деди Юртбошимиз, Андижон вилояти деҳқонлари ҳисоб-китобни аввалдан пухта қилади, яъники, камроқ харажат чекиб, кўпроқ фойда олиш режасини тузади ва шунга эришади ҳам. Меҳнатинг самара бераётганини кўриш киши руҳини кўтаради, янгиликларни жорий қилишга илҳомлантиради. Руҳ баланд бўлса, ҳар қандай тоғни талқон қилиш мумкин, аксинча эса барча режалар ўлдажўлда қолиб кетади.

Юртбошимиз деҳқонларнинг руҳини кўтаришда иқтисодий манфаатдорликнинг ўрни алоҳида эканини таъкидлади. Бунинг учун давлатга топширилган ҳосил учун кечиктирмай ҳақ тўлаш зарур. Бугун бир сўмни тежайман, деб эртага миллионлардан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас. Қаердаки моддий манфаатдорлик эътиборда бўлса, ўша ердаги ишда самара ва сифат ҳам баланд бўлади.

Деҳқонлар билан суҳбат давомида Юртбошимиз Қашқадарё заминига мос ғалла уруғчилигини йўлга қўйиш муҳимлигига эътиборни қаратди. Қачонгача ҳар йили янги навни синаб кўриш мумкин, деб масалани кўндаланг қўйди Президент. Нега вилоятда ҳалигача истиқболли навлар захираси яратилиб, кенг миқёсда экиш ташкил этилмаган? Уруғнинг тўғри танлангани, агротехниканинг пухта ишлаб чиқилгани туфайли Андижонда гектарига 80 центнергача ҳосил олинаётгани бор гап-ку! Ҳолбуки, Қашқадарёдаги айрим суғориладиган майдонлардан олинган ҳосил ҳам, кўпинча, 30 центнердан ошмаяпти. Бу ҳол қачонгача давом этади?

Президент бу муаммони тезроқ ҳал этиш борасида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига зарур топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Қамаши туманидаги «Чем», Яккабоғ туманидаги Жуман Михлиев номли жамоа-ширкат хўжаликларидаги пахта далаларида ҳам бўлди. Қийғос гуллаб, кўсак туга бошлаган ғўзаларни кўздан кечирди.

Бугун пахтадан фақат юқори ҳосил олиш омилкорликка кирмайди, деди Юртбошимиз. Бу борадаги сарф-харажатларга, толанинг жаҳон бозоридаги харидоргирлигига ҳам эътибор қилиш зарур.

Президентимиз яқинда сувдан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишлаб республика семинари ўтказилган хўжаликда сув ўлчагич мосламаларни кўздан кечирди. Бу тажрибани бутун мамлакат бўйича ёйиш зарурлигини айтди. Лекин, деди Юртбошимиз, масаланинг яна бир жиҳатини ўйлаб кўриш керак. Ҳозир Қамашида тақчиллик туфайли сув деҳқонларга маъмурий йўл билан ўлчаб берилмоқда. Аммо шундай қилиш керакки, токи, деҳқон сувдан тежаб-тергаб фойдаланса, бундан ўзига иқтисодий наф етишини тушуниб олсин. Шунга ҳаракат қилсин. Айни чоғда, сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга имкон берадиган янги технологияларни жорий этишни тезлаштириш, бунда хориж тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш лозим.

Энг муҳим масала моддий манфаатдорликни оширишдан иборат. Одамлар ишласа ва меҳнатига яраша ҳақ олса, уларнинг тепасида туриб кўрсатма беришга ҳожат қолмайди. Қанча кўп ишласам, ҳаётим шунча яхшироқ, фаровонроқ бўлади, деган фикр одамларнинг онгига мустаҳкам ўрнашиши, қўлини ишга бошқариши керак. Нарсаларнинг, дейлик машинанинг нархини арзонлаштириш билан фаровонликни таъминлаш қийин. Лекин фуқаролар даромадини ошириш орқали фаровонликка эришиш тўғри йўлдир. Барча орзуларимга фақат ҳалол меҳнатим орқали етаман, деган туйғу кишилар дилида устувор бўлса, энг катта бахт шудир. Аксинча, олган пулим қилган меҳнатимга арзимайди, деган фикр туғилишига йўл қўйилса, халқни улуғ ишларга руҳлантириб бўлмайди.

Дунёда жуда оддий бир ҳақиқат бор: берсанг - қайтади, бермасанг - нима қайтади? Одамларимиз меҳнатининг роҳатини кўрсин. Шунда улар янада яхшироқ меҳнат қилади. Бу йилги қурғоқчилик эса бир синов. Бундай қийинчилик олдида руҳни тушириш бизга ярашмайди.

Шундан кейин Юртбошимиз Қамаши туман Амин Умарий номидаги ўрта мактаб ҳамда педагогика-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ҳам бўлди. Бу илм масканларининг замонавий биноларини кўздан кечирди.

Коллежларнинг таълим йўналишлари ҳақида гапирар экан, мамлакатимиз раҳбари йигит-қизларга кўпроқ турдаги касб ўргатиш масаласини кўндаланг қўйди. Шундай чиройли бинолар қуриб, уларга замонавий жиҳозлар ўрнатиб, борйўғи беш-олтита касбга ўқитиш, узоқни кўра билмасликдир, деб таъкидлади. Дунё давлатлари бугун кичик ва ўрта бизнесга алоҳида эътибор қаратмоқда, аксар аҳолиси ҳам шу йўл билан фаровонликка эришмоқда. Лекин турли-туман касб эгалари тайёрламасдан туриб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириб бўлмайди.

Давлатимизнинг сиёсати ҳам шунга қаратилган. Ёшларни кўпроқ касбга ўргатолсак, шундагина ишсизликка чора топамиз, шундагина янада фаровонликка эришамиз. Сизлар, деди давлатимиз раҳбари коллеж раҳбарларига, бу йўлда жуда хайрли иш бошлабсизлар. Фақат бир тилагим - уни охирига етказинг.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ:
МУШТАРАК МАНФААТЛАР

12 июнда Россия халқи ўзининг миллий байрами - Давлат суверинитети ҳақидаги декларация қабул қилинган кунни нишонлайди. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга эга бўлиб, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик мамлакатлар мустақиллиққа эришгандан кейин бошланди.

Давлатлар ўртасидаги мулоқот айни пайтда тенг мавқега олиб борилиб, ҳамкорлик стратегик аҳамият касб этаётир. Давлатлар долзарб халқаро муаммолар бўйича бир-бирига мос ёки яқин нуқтаи назарни эгаллаб, амалий ва мунтазам ташқи сиёсий саъй-ҳаракатларни янада чуқурлаштиришни кўзламоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликда Россия Ўзбекистоннинг етакчи савдо шерикларидан бири ҳисобланади. Мамлакатлар ўртасида юздан ортиқ ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланган бўлиб, Россия ва Ўзбекистонинг 1998-2007 йиллардаги иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги Шартнома шулар жумласидандир. Ушбу ҳужжатлар ишламоқда. Яқинда Москвада бўлиб ўтган иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлараро комиссиясининг қўшма мажлиси якунлари шундан далолат беради. Имзоланган баённомада таъкидланишича, икки томонлама товар айланиши 17 фоизга ошиб, ўтган йили бир миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди.

Ўзбекистон пахтасини Россияга етказиб бериш икки мамлакат учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Россия федерацияси енгил саноати технологияси амалда ўзбек пахтасини қайта ишлашга асосланган. Пахта етказиб бериш ҳажмининг ошиши туфайли кейинги йилларда ушбу саноат тури анча жонланди.

Ушбу мамлакатлар ҳамкорлигининг яна икки муҳим йўналиши мавжуд бўлиб, булар газ саноати ва авиасозликдир. Ўзбекистон катта табиий газ заҳираларига эга, аммо уни янги йўналишлар бўйича экспорт қилиш, уни қайта ишлаш борасида технологияга зарурат сезади. Ўзбекистоннинг бошқа собиқ иттифоқ республикаларига борадиган асосий газ магистрали Россия орқали ўтади. Россия ўз навбатида Ўзбекистонга газ конларини ўзлаштиришда, газни қайта ишлашда кўмаклашмоқда. Қурилиш-монтаж ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона, шунингдек газ ва нефт қувурлари бутловчилари тайёрлаш бўйича корхоналар барпо этиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон ва Россия муносабатлари кенгайишида олий даражадаги учрашувлар муҳим қадам бўлмоқда. Владимир Путиннинг мамлакатимизга ўтган йилги ташрифи стратегик ҳамкорликка янги туртки берди ва иқтисодиёт соҳасида эришилган ижобий муваффақиятларни янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг шу йил май ойида Россияга қилган давлат ташрифи Россия билан алоқаларимизни юксак поғонага кўтарди ва икки мамлакат муносабатларини янги мазмун билан бойитди.

«Туркистон-пресс».

ТОШКЕНТ - ОСИЁ ТЕННИСИНИНГ ПОЙТАХТИ

Тошкентдаги «Динамо» теннис кортларида Sanex WTA Tour «Тошкент оупен» олтинчи халқаро теннис турнири очилиш маросими бўлди. Турнирда 22 та давлатдан кучли теннисчи аёллар иштирок этади.

Турнир ташкилотчиларидан бири жаноб Сассон Какшури қатнашчилар ва меҳмонларни таблиқлаб, мусобақанинг барча иштирокчиларини, тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларини энг нуфузли халқаро турнирлардан бири «Тошкент оупен» бошланиши билан ташкилий қўмита номидан қутлаш унинг учун катта шараф эканини айтди. Шунингдек, у барча қатнашчилар ва йиғилганлар номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатиб келаётгани, хусусан теннисга бўлган жиддий эътибори учун самимий миннатдорлик билдирди. Бундай эътибор Тошкентни Осиё теннисининг пойтахтига айлантирди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, Осиё теннис федерацияси ижроия қўмитаси аъзоси Рустам Шоабдурахмонов турнирни очар экан, мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида «Тошкент оупен» олтинчи халқаро аёллар теннис турнирини ўтказиш рамзий маънога эгалигини таъкидлади.

Шунингдек, у мазкур мусобақа келгусида нуфузли халқаро турнирларда юртимиз довруғини оламга таратадиган ўзбекистонлик спортчиларни аниқлашга ёрдам беришига ишонч билдирди.

Тантанали маросимда ўзбек тенниси юлдузи Ирода Тўлаганова Ўзбекистон Давлат мадҳияси садолари остида мамлакатимиз давлат байроғини кўтарди.

(ЎзА).

КОРХОНАНИНГ СУЯНГАН ТОҒИ

Республикамиз мустақилликка эришгунга қадар Фарғона вилоятида 8 та пахта тозалаш заводи мавжуд бўлиб, улар асосан алмисоқдан қолган техника билан ишлашга мажбур эди. Истиқлолдан кейин эски корхоналар энг замонавий технология билан қуроллантирилди, бинолар қайта қурилди ёки ўзгартиришлар билан тубдан таъмирланди.

Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган вилоятдаги 12 корхонанинг бари ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган. Улардан бири механика устахонаси бўлса, иккинчиси қурилиш-таъмирлаш ишларига ихтисослаштирилган. Ўзингда йўқ — оламда йўқ, дейишган машойиҳлар. Ўзингда бўлганига нима етсин. Сарф-ҳаражат ҳам шунга яраша анча озаяди. Ана шу каби тадбирлар амалга оширилгани боис меҳнат унумдорлиги 15 фоиз ортди, тола чиқиши анча яхшиланди, соф даромад кўпайди, йиллик режалар ошириб бажарилаётир.

Буларнинг ҳаммасига ишчи-хизматчиларнинг яшаш, ишлаш, дам олишлари учун шароитлар яратиб берилаётгани, улар фарзандлари саломатликларини мустаҳкамлаш юзасидан ғамхўрликлар қилинаётганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Хусусан, ўтган йил натижаларига кўра «Фарғонавилоятпахтасаноатсотиш» бирлашмаси бўйича жамоалар аъзоларининг меҳнат шароитларини яхшилаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёнғинга қарши кураш тадбирларига сарфланган маблағ 30 миллион сўмни ташкил этгани фикримиз далилидир.

— Ишчиларимиз махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя ва бошқа зарур воситалар билан таъминланган, - дейди бирлашма касаба уюшма қўмитаси раиси Р.Турғунов. — Улар, шу жумладан, пахта териш этаклари ва бошқа истеъмол буюм-жиҳозлари Ўзбекистон, Қува, Фарғона, Олтиариқ ва Қўқон 2- пахта тозалаш корхоналари тасарруфидаги тикувчилик цехларида тайёрланади. Ўтган йили халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 289,6 миллион сўмликни ташкил этди. Бу бурноғи йилга нисбатан 6,2 марта кўпдир. Ишловчиларнинг ижтимоий ҳимоясини янада яхшилаш мақсадида ёрдамчи хўжаликларни кўпайтиришга ҳаракат қилаётирмиз. Фақат ўтган йилнинг ўзида улар саъй-ҳаракати билан 8 тонна гўшт, 50 минг литр сут, 9 тонна буғдой, 2 тоннага яқин мева ёки бошқача қилиб айтганда умумий қиймати салкам 9 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилди. Гўшт маҳсулотларининг бир қисми арзон нархда сотилган бўлса, қолгани касаба уюшмалари қарорига биноан уруш ва меҳнат фахрийлари, илғорлар ҳамда кам таъминланган оилаларга бепул тарқатилди.

Ижтимоий ҳимоя

Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, қаерда ишловчининг меҳнати қадрланса, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясига жиддий эътибор берилса - шу ерда ишнинг муваффақияти таъминланади. Биз масаланинг ана шу жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда иш тутишга ҳаракат қиламиз. Балки ана шундай тадбирлар натижаси ўлароқ, белгиланган режаларимиз амалийлигига эришаётгандирмиз. Жумладан, жами 1951 нафар ишловчининг турли мукофот, имтиёзлари билан ҳисоблаганда ўртача ойлик маоши қарийб 20 минг сўмдан тўғри келмоқда.

Айниқса, тунги сменада меҳнат қилувчиларга қулай шароит яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, уларни корхонага олиб келиш ва уйларига элтиб қўйиш учун махсус автоуловлар ажратилган. Арзонлаштирилган иссиқ овқат ташкил қилинган.

Тажрибадан маълумки, фарзандларидан кўнгли тўқ ота-она ўз иш жойида унумли ишлайди. Биз ана шу жиҳатни ҳам ҳисобга олганмиз. Хусусан, ўтган мавсумда жамоа аъзолари болаларидан 640 нафарини болалар оромгоҳларида мароқли дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлашларини таъминладик. Барча йўлланмалар тўлови корхоналар ҳисобидан қопланди. Ушбу анъана жорий йилда ҳам давом эттирилади.

Касабақўм раҳбарининг сўзларига бирлашма раиси С.Самадов шундай қўшимча қилди:

— Менимча, ўз жамоаси шаънини виждонан ҳимоя қилиб, бутун имкониятини ишга солган ва ҳозирда кексалик гаштини сураётган фахрийларимиз ҳурмати қай даражада жойига қўйилаётгани хусусида ҳам гапириб ўтиш керак. Чунки улар ҳамиша бизнинг қанотларимиздир: шу боис уларни яхши кунларимиз, байрамлар, маслаҳатли масалалар кўндаланг бўлганида бир пиёла чойга таклиф этамиз. Уч авлод учрашувларини, айниқса, ёшлар орзиқиш билан кутишади. Уюштирган ҳашарларимизда ҳамда ёрдамчи хўжаликларимизда экиш-тикиш олдидан оқ фотиҳани ҳам шулар беришади. Касабақўм фаолларига раҳмат: фахрийларимиз, кам таъминланган ёки якка-ёлғиз кишилар ҳолидан мунтазам тарзда хабардор бўлиб туришибди. Чунончи, уруш ва меҳнат фахрийси М.Мирзаахмедовга 45000, М.Корабейниковга 41000, М.Голубевага эса 22000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоа шартномасида белгилаб қўйилганидек, нафақага кузатилаётган кишиларга қўшимча кўмак пули ҳам бериб борилади. Масалан, яқинда бўлиб ўтган шундай тадбир пайтида А.Любавина 76 минг сўм миқдорида рағбатлантириш пулини олди...

Шуни таъкидлаш лозимки, аксарият касаба уюшма ташкилотлари иш берувчилар билан ҳамкорликда инсон омилига кунниг долзарб масаласи сифатида қарамоқда. Меҳнат аҳлига яқин бўлиш, уларнинг орзу-ниятлари, изланишу интилишлари, қувончу ташвишлари билан яшашни фаолиятларининг бош йўналишларидан бири, деб билиб янглишмаяптилар. Бунга амалиётда мисоллар кўп ва биз улардан фақат биттасинигина қисқача шарҳлаш билан кифояланмоқчимиз. Чунончи, мазкур бирлашманинг Қўқон «2-пахта тозалаш корхонаси» ҳиссадорлик жамиятида меҳнаткашлар меҳнатини рағбатлантириш, енгиллик, имтиёзлар яратиб бериш, соғломлаштириш, яшаш ва дам олиш шароитларини яхшилашда ибратли тадбирларга қўл урилаётир.

(Давоми 3-бетда).

ЭЛИНИ РОЗИ ҚИЛГАН БАРАКА ТОПАДИ

(Боши 1-бетда).

Президент Ислом Каримовнинг коллеждаги бошланғич таълим муассасаларига тарбиячилар тайёрлаш гуруҳи ўқувчи қизлари билан учрашуви жуда самимий ўтди. Бу учрашувнинг талабалар ёдида умрбод сақланиб қолиши тайин. Буни лингафон билан жиҳозланган кенг ва ёруғ кабинетда сабоқ олаётган қизларнинг гулгун чеҳраси айтиб турарди.

Сизларнинг ҳаммангиз асл инсонлар бўлиб етишингизга ишонгим келади, деди Юртбошимиз. Мен ўз ҳаётий тажрибамдан хулоса қилиб айтаманки, ўтган умрингдан рози бўлишдан ортиқ бахт йўқ экан бу дунёда. Биз, ўзбеклар мен кўрганларни болаларим кўрмасин, деймиз. Албатта, бу ерда ота-оналар ўзлари кўрган қийинчиликларни назарда тутади. Мен Сизларга қийинчиликларни кўрманглар, демайман. Кўринглар, фақат бу қийинчиликлар касб ўрганиш, чин инсон бўлиш йўлидаги ёруғ ва хайрли қийинчиликлар бўлсин. Менинг энг буюк орзуим - сиздай йигит-қизларимизнинг ривожланган давлатлардаги тенгқурларидан ҳам фаровонроқ, тўкисроқ яшашига эришиш. Шу мақсадга эришсам, мен ўзимни жуда бахтиёр деб биламан, ўз ҳаётимдан рози бўламан.

Мамлакат Президентининг ғамхўрлик билан оталарча айтган бундай самимий дил сўзларини эшитган ўқувчилар ҳам эркалик қилишдан ўзларини тийиб туролмадилар. Уларнинг ҳар бири ўз дафтарида давлатимиз раҳбарининг ўз қўли билан битилган дил сўзлари бўлишини хоҳлади. Президентимиз ҳам қизларнинг дафтарларига эзгу тилакларини ёзди. Талабалар билан эсдалик учун суратга тушди.

Сафар ниҳоясида мамлакатимиз раҳбари Қаршида туманлар ҳокимлари, вилоят идораларининг раҳбарлари билан суҳбатлашди. Уларнинг амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги қисқача ҳисоботларини тинглади.

Президент ўз сўзида вилоятдаги мавжуд муаммоларнинг асосий сабабларидан бири моддий манфаатдорликнинг яхши йўлга қўйилмаганида, деди. Деҳқон топширган ҳосили учун ўз вақтида ҳақини олиши лозим. Жойлардаги раҳбарлар, аввало, ҳокимлар халқнинг кўзига тик қарай олиши учун ҳам деҳқоннинг қонуний ҳаққи ўз вақтида тўланиши шарт. Афсуски, бу борада вилоятда ҳалиҳамон узилишлар мавжуд.

Бундай муаммоларни ҳал этиш сизларнинг биринчи галдаги вазифангиздир, деб таъкидлади Президент йиғилганларга қарата. Шундагина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш борасидаги давлат буюртмалари бажарилишини таъминлаш мумкин.

Бугун қишлоқ хўжалигидаги вазиятнинг таҳлили учта масалага алоҳида эътибор қаратишни талаб этмоқда, деди мамлакатимиз раҳбари. Биринчиси - сафарбарлик. Комбайнларнинг бир соат ҳам тўхтаб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Далада ишлаётганларга уч маҳал иссиқ овқат ташкил этиш, илғорларни доимий равишда рағбатлантириб бориш керак.

Иккинчиси - уюшқоқлик. Ҳосилни йиғиб олиш конвейерида, дала-омбор тизимида бирон узилиш бўлишига йўл қўймаслик лозим. Ғаллани ташийдиган транспорт воситалари ҳамда омборларнинг бетўхтов ишлашини таъминлаш шарт.

Учинчиси - тежамкорлик. Етиштирилган ҳосилнинг бирор мисқоли ҳам нобуд бўлмасин. Айниқса, ўғирликка барҳам бериш лозим. Деҳқоннинг пешона тери билан етиштирилган ва бутун элнинг ризқи бўлган ғалла нопок қимсаларнинг шахсий омборига кириб кетмасин.

Ҳокимлар жиддий ўйлаб кўрадиган яна бир гап сув тақчиллигидан зарар кўрган деҳқонларимизнинг йўқотилган даромади ўрнини қоплаш масаласидир, деб алоҳида қайд этди Юртбошимиз. Янги иш ўринлари ташкил этиш, ёшларни ва ишсизларни касб-ҳунарга ўргатиш уларнинг доимий диққат марказида туриши лозим. Фақат ғалла, фақат пахта ҳисобидан бутун халқни бойитиш қийин. Кичик ва ўрта бизнес ривожлансагина фаровонликка эришилади. Шунинг учун бу борадаги ёрдамни аямаслик зарур.

Қашқадарёдаги учрашувлар қизғин ва самимий мулоқотларга бой бўлди. Мамлакатимиз раҳбари воҳа аҳлининг бу йил ғалла ва пахта тайёрлаш борасидаги давлат буюртмаларини ўз вақтида бажариш йўлида самарали меҳнат қилаётганидан мамнуният изҳор этди.

Мусулмон НАМОЗ, ЎзА мухбири.

«ПРОКУРАТУРА ТЎҒРИСИДА»

Сўраган эдингиз

Қонуннинг янги таҳрири кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола қилинган. Унда прокурорнинг асосий вазифаси биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш эканлиги алоҳида таъкидланган

Луғавий маъносига кўра, «procuro» лотинча ғамхўрлик қиламан, таъминлайман деган маънони билдиради. Қадимги Римда procurator лавозимидагилар император номидан унинг хўжалигини бошқариш, солиқ йиғиш, судда вакиллик қилиш ишлари билан шуғулланган. Бундай фаолият барча давлатларга хос ва зарур. Лекин турли мамлакатларда ва турли даврларда бу хил фаолиятнинг мазмуни, моҳияти, чегараси, йўналиши турлича бўлган. Прокурорлик фаолиятининг ҳозирги ҳолати ҳам ранг-баранг.

Чунончи, АҚШ, Франция, Япония каби мамлакатларда прокурорлик фаолиятини адлия вазирлиги амалга оширади, Испания, Италияда прокурорлар суд маҳкамалари таркибига киради, баъзи мамлакатларда улар алоҳида давлат органи шаклида фаолият кўрсатадилар. Жумладан, собиқ социалистик давлатлар тизимида шундай эди. Ҳозирги янги мустақилликка эришган мамлакатларда ҳам прокуратура тизими давлатнинг бошқа органларидан батамом ажратилган. Баъзи мамлакатларда, чунончи, Буюк Британияда прокуратура иоралари мавжуд эмас.

Шубҳасиз, прокурорлик фаолиятига хос вазифалар Ўзбекистон давлатчилигида ҳам қадимдан мавжуд бўлган. Лекин бунинг учун махсус давлат муассасаси тузилмаган, назорат ва текширув ишларини турли марказий давлат маҳкамалари ёхуд маҳаллий ҳокимлар амалга ошириб келишган.

Ўзбекистонда прокурорлик фаолиятининг шаклланиши, моҳияти ва йўналиши XIX аср иккинчи ярмида чор Россиясида бўлиб ўтган воқеликлар билан боғлиқ.

Маълумки, Россия давлат ва ҳуқуқ тизими жиҳатидан Европага, айниқса, Францияга тақлид қилар эди. Прокуратуранинг давлат тизимида вужудга келиши айнан Францияда XIV асрда юз берган. Ўша вақтларда прокуратура жазолаш муассасаси ҳисобланган, кейинчалик унга давлат бошқарув идораларининг фаолиятини ошкора ва яширин тарзда текшириб туриш вазифалари ҳам топширилган. Бундан хабардор Буюк Пётр 1711 йилда давлат хазинасига оид айғоқчилик (фискал) хизматини тузиб, унинг зиммасига давлат амалдорларининг фаолиятини хуфя кузатиб бориш вазифасини юклаган. Екатерина Иккинчи томонидан бу хизмат прокурорлик деб аталиб, «ҳокимият кўзи» («око государево») номини олган.

Прокуратуранинг ҳуқуқий мавқеи Россияда бўлиб ўтган ижтимоий ислоҳотлар муносабати билан 1862 йилда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида асосий қоидалар»да биринчи марта ўз ифодасини топди. Унга биноан прокурор давлат бошқарув органлари чиқарадиган барча муҳим ҳужжатларнинг қонунийлигини назорат қилиш, тергов фаолиятини кузатиш, судда давлат номидан айбловни қўллаш, қамоқда сақлаш қоидаларига риоя қилишни текшириб бориш учун масъул эди. Прокурорлик фаолиятининг ушбу моҳияти ҳозиргача деярли ўзгаргани йўқ.

Аммо прокуратура тизими анчайин мураккаб, мушкул ва баъзида чалкаш йўлларни босиб ўтди. Хусусан, 1917 йил октябр тўнтаришидан сўнг прокуратура тарқатиб юборилди, кейинчалик фақат судлар ҳузурида «айблов ҳайъатлари» тузилди. 1922 йилда қонунларга бир хилда риоя этилишини таъминлаш мақсадида марказлаштирилган прокуратура таъсис этилди. 1946 йилдан прокуратура умумий назорат олиб бориши, барча давлат органлари, ташкилотлар, муассасалар ҳамда жамоат бирлашмаларининг фаолиятини мунтазам текшириб туриши лозим, деб топилди. Кейин эса бу хил фаолият маъмурий-хўжалик ишларига «аралашиш» деб ҳисоблана бошланди ва ниҳоят, Россия федерацияси ҳамда бир қанча мустақилликка эришган давлатларда умумий назорат бекор қилинди.

1955 йилдаги «СССРда прокурорлик назорати тўғрисида Низом» суд фаолияти устидан ҳам назорат ўтказишни назарда тутган эди. Кўп йиллар давомида бу ҳолат судларнинг мустақиллиги тамойилига путур етказди. Суд ҳукми, қарори ва ажримининг ижросини, шунингдек, барча давлат ижроия органлари, корхона, ташкилот, муассаса маъмурияти чиқарган қарор ва буйруқларнинг бажарилишини прокурор тўхтатиб қўйиши каби қоидаларни қўллаш тарафдорлари, таассуфки, ҳозирда ҳам бор. Прокуратурани гўё давлат ижроия органи эмас, қандайдир бошқача давлат органи деб ҳисоблаш тўғрисидаги фикрлар ҳам мавжуд.

Конституциямизнинг 118-121-моддалари прокурорлик фаолиятини такомиллаштириш борасида бажарилиши зарур бўлган тадбирлар учун барча асосларни назарда тутади.

Ғ.АБДУМАЖИДОВ, профессор.

(Давоми бор)

Қорақалпоғистондан хат

БОЛАЛАР ҲАҚИДА МЕҲРИБОНЛИК

Келажагимиз эгалари — ёш авлодни соғлом ва баркамол, Ватанга чексиз садоқат руҳида тарбиялашга касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Фикримизнинг далили сифатида ўтган «Соғлом авлод йили»да бажарилган ишларга қисқача тўхталсак. 2000 йил Қорақалпоғистонда 32 та болалар масканлари доимий фаолият кўрсатди. Энг муҳими, ёзги дам олиш мавсумига жойлардаги хўжалик раҳбарлари масъулият билан ёндошдилар. Улар оромгоҳларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, озиқ-овқатнинг вақтида етказиб берилишида кўмаклашишди. Аммо, Нукус шаҳридаги «Орол», Элликқалъа туманидаги «Ғунча» ва бошқа баъзи болалар масканларида ёзги дам олишнинг биринчи босқичида қатор камчиликларга йўл қўйилди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда «Оналар ва болалар» йилида ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумига барвақт киришдик. Чунки ўтган йил сабоқлари бизни ана шундай йўл тутишга, яъни болалар масканларини талаб даражасида ҳозирлашни май ойи биринчи ярмида тамомлашга даъват этди. Сабаби, катта ҳажмдаги ташкилий-тарбиявий юмушлар кўп вақтни, куч-ғайратни талаб қилади. Натижада болалар оромгоҳлари мавсумга барвақт тахт қилиб қўйилди. Элликқалъа тумани, Тахиатош шаҳридаги оромгоҳлар эса 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида ўз фаолиятини бошлаб, ўғил-қизларни қабул қилиб олди.

Биз — касабақўм ходимлари манфаатдор ташкилотлар, жамғармалар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, болалар оромгоҳларида тарбиявий ишларни яхшилаш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқдик. Уни амалга ошириш учун барча имконият мавжуд.

Яна бир масала — болалар ёзги таътилни мазмунли ўтказиши учун катта ғамхўрликлар кўрсатилаётганини таъкидлаш лозим. Ғап шундаки, Оролбўйи ҳудудида сув танқислиги келтириб чиқарган муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган ҳукумат тадбирларида болаларнинг ёзги дам олишини кўнгилдагидек ўтказиш ҳам эътиборга олинган. Унга биноан қорақалпоғистонлик ўғил-қизлардан 15 минг нафари мамлакатимизнинг сўлим оромгоҳларида ёзги таътилни ўтказишади. Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Тошкент шаҳрига йўлланмалар берилябти. Қувонарлиси шундаки, болаларимиздан катта гуруҳи айни пайтда мамлакат пойтахтининг энг сўлим оромгоҳларида кўнгилли дам олмоқдалар.

Қуатбой ҚОДИРИМБЕТОВ, Қорақалпоғистон касаба уюшмалари Кенгаши Маданият ва Ёшлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўлими мудири.

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

ХИЗМАТ САФАРИ

САВОЛ: Хизмат сафарига кимларни юбориш мумкин эмас? Хизмат сафари харажатлари ва уларни тўлаш тартиби, умуман, хизмат сафари тўғрисида батафсил тушунтириш берсангиз.

О.Сегизбоева, Яккасарой тумани.

ЖАВОБ: Хизмат сафари иш берувчи фармойишига кўра ходимнинг маълум муддатга доимий иш жойидан бошқа жойга хизмат топшириғини бажариш учун беришидир.

Хизмат сафари деб ҳисобланиши учун қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

- хизмат сафарига юборилган ходим ўз меҳнат вазифалари доирасида қисқа муддатли хизмат топшириғини бажаради;
- хизмат сафарига бориш ходимнинг мажбурияти ҳисобланади ва хизмат сафарига боришдан бош тортиш меҳнат интизомини бузиш деб ҳисобланади ҳамда ходимга Меҳнат Кодексининг 181-182-моддаларига асосланиб интизомий жазо чоралари қўлланиши мумкин;
- хизмат сафарига юборилган ходим борган муассасанинг шахсий таркибига киритилмайди, чунки у асосий иш жойидан олган хизмат топшириғини бажаради;
- хизмат сафари даврида ходимнинг иш жойи (вазифаси) сақланиб қолади;
- иш ҳақи ва хизмат сафари даврида сарфланган харажатлар ходимнинг асосий иш жойидан тўланади;
- хизмат сафарига юборилган ходим у сафарга борган муассасада белгиланган иш тартиби бўйича ишлайди ва белгиланган кунларда дам олади.

Ходимнинг хизмат сафари муддатлари муассаса раҳбари томонидан белгиланади, лекин унинг муддати йўлда юриш вақтини олмаган ҳолда қирқ кундан ошмаслиги керак.

Хизмат сафарининг муддати алоҳида ҳолларда хизмат сафарига юборган муассаса раҳбарининг ёзма рухсати билан узайтирилиши мумкин. Бундай ҳолда ходимга тегишли хизмат сафари харажатлари берилиши тўғрисида иш берувчи томонидан буйруқ чиқарилади.

Бу ўринда кимларни хизмат сафарига юбориш мумкин эмас деган ҳақли савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш учун Меҳнат Кодексининг 228- ва 238-моддаларига мурожаат қилишга тўғри келади. Бу моддаларнинг талабларига мувофиқ ҳомиладор ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, онасиз болаларни тарбиялаётган эркаклар ва вояга етмаган болаларни тарбиялаётган васийлар, ҳомийларни хизмат сафарига юбориш мумкин эмас.

Лекин уч ёшдан ўн тўрт ёшгача болалари бўлган (ўн олти ёшгача ногирон болалари бўлган) аёллар уларнинг розиликлари билан хизмат сафарларига юборилишларига йўл қўйилади.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасига мувофиқ ҳарбий хизматга чақириш вақтида иш берувчилар хизмат сафарида бўлган чақирилувчиларни чақиртириб олишлари ва уларнинг чақириқ участкасида ўз вақтида ҳозир бўлишини таъминлашлари, Меҳнат Кодексининг 255-,256-моддалари талабларига асосан иш берувчилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида ўқиётган ходимларга ишлаш билан бирга ўқиши учун зарур шароитлар яратиб бермоқлари шарт.

Муассасанинг асосий қонуни бўлган жамоа шартномасида хизмат сафарига боришдан озод қилиш учун узрли сабаблар қилиб кўрсатилган бошқа ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин.

Ходимнинг хизмат сафарига юборилиши учун муассаса раҳбари томонидан буйруқ (фармойиш) чиқарилади ва бу асосда ходимга хизмат сафари гувоҳномаси берилади. Буйруқ (фармойиш)да, гувоҳномада ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва эгаллаб турган вазифаси, муассаса номи, сафарга бориш жойи, хизмат сафари муддати, буйруқ (фармойиш)нинг санаси ва тартиб рақами, ходимнинг бажарадиган иши кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 февралдаги 34-ф ва 1993 йил 16 августдаги 287-ф сонли фармойишларига биноан хизмат сафарига юборилаётган ходимга турар-жой ижараси ҳақи,

- Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлари - вилоятлар марказларида - 0,1;
- Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган пунктларида - 0,08.

Суткалик харажатлар ҳақиқатда сарфланганлиги учун ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди.

Суткалик пуллар хизмат сафарининг ҳар бир куни учун, жумладан, хизмат сафарига кетиш ва сафардан қайтиш (икки кун), дам олиш ва байрам кунлари, йўлда мажбурий тўхташ кунлари учун ҳам тўланади. Агар ходим ҳар куни хизмат сафаридан доимий яшаш жойига қайтиш имкониятига эга бўлса, унга суткалик тўловлар тўланмайди, фақат сарф қилинган йўлкира ҳақи тўланади. Бунинг учун ходим борган (қайтган) муассасасининг муҳри, санаси қўйилган ҳужжат ва йўл чиптасини тақдим қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 49- ва 58-моддаларига асосан ходимлардан хизмат сафарлари учун тўланадиган пуллардан даромад солиғи олинмайди. Агар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 37-моддаси асосида муассасанинг жамоа шартномасида норматив ҳужжатларда кўрсатилганидан ортиқроқ суткалик тўлов берилиши белгиланиб, ходим ундан фойдаланса, бу ортиқча берилган суткалик тўловдан даромад солиғи олинади.

Хизмат сафарига юборилган ходим вақтинчалик меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолса, бу вақт учун унга умумий асосларда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади. Ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги, шунингдек, соғлиғи ҳолатига кўра доимий иш жойига қайтиб келиш имкониятига эга эмаслиги белгиланган тартибда гувоҳлантирилган бўлиши шарт.

Ходим хизмат сафаридан қайтгандан сўнг, уч кунлик муддат ичида хизмат сафарида топшириқни бажариш натижалари ҳақида ахборотнома бериши ва олинган пул маблағлари ҳақиқатда белгиланган мақсадга мувофиқ сарфланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ҳисоботни тақдим қилиши керак.

Меҳнат Кодексининг 198-, 207-моддалари талабларига асосан иш берувчи агар ходим хизмат сафари учун олинган пул маблағларининг сарфланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва ҳисоботларни тақдим этмаган ва белгиланган муддатларда ушбу пул маблағларининг фойдаланилмай қолган қисмини топширмаган бўлса, унинг иш ҳақининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми то хизмат сафари билан боғлиқ бўлган пуллар қоплангунга қадар ушлаб қолинади.

Хизмат сафарида ўз хизмат доирасига кирадиган топшириқларни бажармаслик ходимга интизомий жазо чораси қўллашга асос бўла олади.

Йўл харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиш имконияти бўлмаса, муассаса раҳбари ҳар бир ҳолатда хизмат сафарига юборилган ходимга йўл харажатларини тўлаш масаласини ҳал қилади.

Ходим оддий номерларда яшашнинг имконияти бўлмаганлиги туфайли у «люкс» номерларда яшаганлиги ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этган ҳолда, унга турар-жой ижараси бўйича тўловлар шу номерлар умумий қийматининг 70 фоизи миқдорида тўланади.

Республика зарбдор қурилишларида

Мамлакатимизда янги-янги корхоналар қад ростлаб, замонавий бинолар шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Яқинда ишга туширилган Навоий-Учқудуқ 2-Мискин-Нукус темир йўл тармоғи ҳам истиқлолимиз шарофатидир. Мухбиримиз Н. Рафиқов республика Темир йўл ходимлари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Абдулҳай АБДУРАҲМОНОВ билан кўпчиликнинг узоғини яқин қилаётган мазкур темир йўл қурилиши тўғрисида суҳбатлашди.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРГА КАМАРБАСТАМИЗ

— Абдулҳай ака, Навоий-Учқудуқ 2-Мискин-Нукус темир йўлининг қурилиши республикамиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. Унинг афзал томонлари хусусида тушунча берсангиз.

Давлатимиз ҳудудида яхлит бир темир йўл коммуникациясига эҳтиёж сездик. Масаланинг яна бир томони шундаки, илгарилари Хоразм вилояти ёки Қорақалпоғистон Республикасига темир йўл орқали борадиган бўлсак, икки жойда — яъни Чоржўй ҳамда Дашховуз орқали Туркманистон ҳудудидан ўтишимизга тўғри келарди. Бунга анча қўшимча вақт, маблағ сарф бўларди. Эндиликда вақтдан ютилади, юк ҳамда йўловчи ташиш таннархи камаяди. Мана шуларни ҳисобга олиб Президентимиз ташаббуси билан мазкур темир йўл қурилиши бошланганди. Айни пайтда ушбу йўналиш бўйича поездлар қатнови йўлга қўйилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компаниясининг қурувчилари Қизилқум саҳросида кечаю-кундуз мардона ишлашди. Натижада Навоийдан Нукусгача 6 та бекат ҳам фойдаланишга топширилди. Майлисой, Мискин, Тўрткўл, Эллиққалъа бекатлари шулар жумласидандир. Уларда аҳоли яшайдиган уйлар ҳам қурилиб, айни пайтда темир йўлчиларнинг оилалари истиқомат қилмоқда.

— Ҳар бир жойда, касаба уюшма ташкилотининг ўз ўрни бор. Айни шу қурилишда республикамиздаги энг оммавий жамоат ташкилотининг тутган ўрни қандай бўлди?

— Ҳар бир меҳнаткаш ўзига кўрсатилаётган меҳрибонликни ҳис этса, бутун вужуди билан берилиб ишлайди. Бажараётган ишининг сифати ҳам яхшиланади. Шу боисдан ҳам мазкур қурилиш Марказий қўмитанинг, шу жумладан вилоятлардаги ҳудудий касаба уюшма қўмиталарининг доимий диққат-эътиборида бўлди. Ўзингиз бир тасаввур қилинг, бийдек чўлда ишлаётганларни ичимлик суви, ёқилғи, махсус кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашнинг ўзи бўлмайди.

Вагон уйлар, озиқ-овқат, қиш шароитида ёқилғи етказиб бериш масаласини Марказий қўмита ўз назоратига олди. Шунингдек, қурувчилар шароитини яхшилаш, ойликларини вақтида тўлаш, мукофот ва қўшимча устама ҳақни жорий этишга оид тадбирларни маъмурият билан келишган ҳолда амалга оширдик. Бундан ташқари, ҳар бир бекатда ишлаётган қурувчиларни вилоят ҳудудий касаба уюшма қўмиталаримиз ўз оталиқларига олишди. Бу ишда Тошкент, Бухоро, Оролбўйи ҳудудий касаба уюшма қўмиталаримиз алоҳида ўрнак кўрсатишди. Айни пайтда ҳам касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан қурувчиларга имконият даражасида моддий ёрдам берилмоқда. Марказий қўмита ҳамда ҳудудий касаба уюшмалари вакиллари махсус жадвал асосида темир йўлчилар ҳамда қурувчилар ҳолидан хабар олиб туришибди. Яқинда адабиёт ва санъат ходимлари, журналистлар қурувчилар хузурида бўлишиб, концерт дастурларини намойиш этишди. Турли маданий ва спорт тадбирларини биз бундан кейин ҳам режа асосида ўтказиб борамиз.

Мана ёз мавсуми ҳам бошланди. Қизилқумда ишлаётган касаба уюшма аъзоларимизни мева-чева, полиз маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи диққат эътиборимизда. Хуллас, бағоят улуғ ишга бел боғлаган бунёдкорларга ҳамиша камарбастамиз.

ТОТУВЛИККА НИМА ЕТСИН

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида «Оила маънавияти жамият тараққиёти» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият ишлар вазирлигининг Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор жамғармалардан вакиллар ҳамда талабалар иштирок этишди.

— Оиланинг мустаҳкамлиги ёшларимизни ҳар томонлама соғлом бўлиши билан боғлиқ, - деди республика «Оила» маркази катта илмий ходими Маҳбубахон Мираҳмедова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Марказимиз ногиронларни ҳаётга мослаштириш ишларини олиб бормоқда, лекин касални даволагандан кўра уни олдини олган яхшироқ.

Давра суҳбати баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

Энг яхши сиҳатгоҳларимиз

КЕНГГУЗАР САНАТОРИЙСИ

«Онам Қудратова Нозима билан санаторийда даволаниб, соғайиб чиқдик. Тажрибали шифокорлар ва меҳрибон ҳамшираларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли сурункали танзилит касали асоратларидан қутулдим».

Шаҳрисабзлик 14 ёшли Муҳаббат Хушвақтованинг дил сўзларини ўқиган киши бефарқ қолмайди. Қишлоқ қизи қалбида бир олам севинч билан шифокорларга миннатдорчилик билдиради.

Яккабоғ қўрғонининг Кенггузар қишлоғида жойлашган вилоят болалар ревмотология санаторийси хизматидан кўпчилик даволанувчилар мамнун. Шифохонанинг таклифлар дафтарини варақлаймиз. Вилоятнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган Марҳамат Неъматова, Зулайҳо Назарова, Жумагул Қобилова, Муаззам Рустамова, Шоҳида Умароваларнинг дил сўзларини ўқидик.

12 гектарли сўлим ва манзарали ҳудудни эгаллаган болалар санаторийси 1986 йилда ташкил топган. 80 ўринли бу сиҳатгоҳда асосан сурункали танзилит, ревмотоит-полиартрит билан хасталанганлар даволанади. Бу ерда йилига 1000 дан зиёд оналар ва болалар шифо топмоқда.

— Белгиланган дастурга мувофиқ келгусида сиҳатгоҳни оналар ва болалар санаторийсига айлантирамиз, — дейди бош шифокор Машҳура Юсупова. — Бунинг учун 55 миллион сўмлик маблағ ажратилишини сўраб юқори ташкилотларга таклиф киритдик.

Машҳура Юсупова тажрибали ва тиниб-тинчимас болалар шифокори. Олий маълумотли. 30 йилдан буён шу соҳада астойдил хизмат қилиб келмоқда. Даволанувчилар кардиолог Абдураҳмон Раҳимов, тиш врачи Очил Хўжақулов, тиббиёт ходимлари Қўлдош Авлаев, Мухиба Ўринова, Мўътабар Расулова, Мавлуда Аҳмедоваларнинг ҳам хизматидан бениҳоя мамнунлар.

Санаторийда туман ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан берилган йўлланмалар асосида оналар ва болалар бир ой даволанишмоқда. Тоза тоғ ҳавоси, кўкаламзор боғлар уларга бир шифо бўлса, замонавий физиотерапик ва диагностик аппаратлар улар соғайишини тезлаштирмоқда.

Иззат ХИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ҳаёт ишқи

ИРОДА

Холтўра Каримовни нафақат «Оқтом» қишлоғи, балки бутун туманда яхши билишади. Денов туманидаги Кўчар бобо Шерқобилов кўчасида истиқомат қилаётган Х. Каримов болаликдан ногирон. Лекин ногиронман деб ўтирмасдан, турдош касбларни эгаллаб ирода кучини намойиш эта олди.

— Мени ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган ҳукуматимиздан миннатдорман, — дейди у. — Кишиларга хизмат қилиб, оз бўлса-да ёрдамим тегса дейман. Ёмон кўрганим — бекорчилик.

Дарҳақиқат, унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. 30 йилдан буён радио ва телевизор созлашни қойилатади. Қўшнилари носоз буюмларни олиб келганларида, тезда ҳожатларини чиқариб, хурсанд қилиб юборади. Устахона деворидаги ҳали иши тугалланмаган дўмбирага кўзимиз тушди. Бўш пайтларида мусиқа асбоблари ҳам ясай оладиган серқирра касб соҳибига бўлган қизиқишимиз янада ортди. Бизни кўрган уста велоаравача миниб чиқди. Ажабландик. Бундай аравачани ҳали бирор жойда кўрмагандик. Мотоцикл ва велосипеднинг турли қисмларидан йиғилган бу аравача ногиронлар учун қулай ва ихчамлиги билан ажралиб турарди.

— Уни Холтўра аканинг ўзлари ясаганларида, тўғриси ҳайратлангандик, — дейди унинг қўшниси Холмамат ака. — Инсоннинг ҳамма ишга қодирлигини шунда билдик.

Халқимизда — ҳунарли киши хор бўлмас, деган нақл бежиз айтилмаган. Х.Каримов ижод соҳиби ҳамдир. Унинг кундалик дафтаридаги шеърлар, она-Ватан, меҳнат, истиқлол, фаровон ҳаёт, меҳр-мурувват, эзгуликни мадҳ этиши билан эътиборга моликдир. Халқ бахшилари сингари дўмбирани шундай чертадики, қалбингиз завққа тўлади.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.
Суратда: II гуруҳ ногирони Холтўра Каримов ўзи ясаган ногиронлик аравачасини намойиш қиляпти.
Муаллиф олган сурат.

ҚИММАТЛИ ХОМ АШЁ

Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акционерлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида Қора ва рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари, қимматли иккиламчи хом ашёни тўплаш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Унда май ойида ва йил бошидан буён амалга оширилган ишлар якунлари кўриб чиқилди. Кўпгина вазирлик ва идоралар белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаргани қайд этилди - қора металл парчаларини тўплаш белгиланганидан ортиқ даражада, яъни 104,5 фоизга бажарилди. Бироқ рангли металл парчаларини топширишда бироз ортда қолиш кузатилмоқда. Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирликларининг ҳудудий бўлинмалари томонидан кейинги беш ой ичида мамлакатдан 78 тонна рангли металл парчалари ва чиқиндиларини олиб чиқиб кетишнинг олди олинди.

Йиғилишда иккиламчи металл хом ашёсини топширишга доир шартномавий мажбуриятларни бажаришда сусткашликка йўл қўяётганлар танқид остига олинди. Республика комиссияси томонидан ҳудудий бошқарув органлари ва тармоқларнинг ушбу муҳим иш юзасидан назоратни кучайтириши, металл тўплашда ортда қолиш сабабларини аниқлаш, айбдор шахсларни қатъий жазолаш борасидаги ҳамда биринчи ярим йиллик вазифалари бажарилишини таъминлашга доир қарорлар қабул қилди.

КОРХОНАНИНГ СУЯНГАН ТОҒИ

(Боши 1-бетда).

Ўтган йилнинг ўзидагина 26 нафар кишига сиҳатгоҳларга бепул йўлланма берилди. Моддий ёрдам салмоғи 491 минг сўмни ташкил этди. Илғорларни тақдирлашга 1 миллион 116 минг сўмлик мукофот пули ёзилди. Тушлик иссиқ овқат учун 410 минг сўмлик маблағ жамият ҳисобидан қопланди. Ишчи-ходимларнинг 64 нафар фарзанди болалар оромгоҳларида мароқли дам олдилар. Ушбу мақсадга маъмурият 0,5 миллион сўмликдан кўпроқ чиқим қилди. Ўртача ойлик иш ҳақи эса 23 минг сўмдан зиёдга тўғри келди. Бу — икки йил олдинги даражадан беш баравар кўп, демакдир.

Республикамиз Президенти жамоат ташкилотлари фаолиятига тўхталар экан: «Сафларида миллионлаб кишиларни бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда» деган эди. Бизнингча, мазкур жамият касаба уюшма қўмитаси ҳам маълум йўналишлар бўйича ушбу баҳога муносиб равишда фаолият юритаётир. Жамият раҳбари Й. Ҳакимовнинг таъкидлашича, жамоа аъзолари ҳамиша ва ҳар жабҳада касабақўм яқин маслакдошлари эканини сезиб турибдилар. Бунга улар ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиш орқали жавоб бераётирлар. Жумладан, 2000 йилга белгиланган барча топшириқлар бажарилди. Меҳнат унумдорлиги ва айни пайтда даромад анча ошди. Табиийки, бундай вазият жамоамиз тасарруфидаги 25 фоиз акциялар (номинал қиймати 605 сўм)га дивидент тўлашда яхши кўрсаткичларга эришишни таъминлади. Масалан, ўтган йили 5700 та акциянинг ҳар бир сўмига 1 сўм 45 тийиндан фойда ҳисобланди. Амалдаги йилда эса тахминий хомчўтларга қараганда дивидент салмоғи янада юқорироқ бўлади.

Суҳбатдан яна шу нарса маълум бўлдики, маъмурият ва касабақўм жамоанинг энг катта бойлиги — фидойи, садоқатли инсонлар ишлаб чиқариш илғорлари, ташаббускорларга таянган ҳолда иш юритяпти. Жумладан, техник-назорат бўлими бошлиғи Муҳаббат Қурбонова, бригада сардори Шодмонхўжа Турсунхўжаев, чилангар Фарид Рустамбеков, ишчи Раҳмонжон Отажонов сингари ўз касбининг усталари корхона юкини ерда қолдирмаяптилар. Уларга ўхшаганларни жамоада бекорга таянч нуқталари, деб аташмайди.

Абдунаби МАННОПОВ,
Ҳусанбой БЎРОНОВ.

Ўзбекистон Давлат санъат музейида Тошкентдаги «Санвикт» ногирон болалар ижодиёт маркази аъзоларининг суратлари кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

НАВҚИРОН МУСАВВИРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Мана икки йилдирки, ушбу марказ навқирон истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, қалби кемтик ўғил-қизларнинг келгусида жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишига кўмаклашишдек эзгу мақсад йўлида фаолият олиб бормоқда. Эътиборли жиҳати - бу маскан қошида беш ёшдан ўн етти ёшгача бўлган мусаввирлар тасвирий ва халқ амалий санъатининг сирларини ўрганиш билан бирга, мамлакатимиз миқёсидаги турли кўрик-танловларда ҳам фаол иштирок этяпти.

Кўргазмада тасвирий санъатнинг мўйқалам, графика, ҳайкалтарошлик сингари турлари бўйича 150 дан ортиқ ижод намуналари намойиш этилмоқда. Айниқса, Рустам Бобожоновнинг «Ўзбекистон», Мафтуна Раҳматованинг «Баҳор байрами», Гулноза Фозилованинг «Болалар» каби қатор суратлар ўзининг ҳаётийлиги, кишини чуқур мушоҳадага чорлаши билан томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

(ЎзА).

Бу воқеа жазирама ёзнинг тип-тиниқ осмонида момақалдироқ гумбирлагандай юз берди. Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Андижон вилоят кенгаши ходимлари қадрдон бинолари, ўз хоналарида одатдагидай хотиржам ишлашарди. Почтачи кундалик газеталар билан бирга битта хат ҳам ташлаб кетди.

ҚАЛЛОБ

фельетон

Кенгаш раҳбари Набижон Маъмуров ва унинг ўринбосари Раҳмонжон Мадраҳимов хатни ўқиб, ҳанг-манг бўлиб қолишди. Боиси, унда «Ташкилот жойлашган бино, автомактаб ва автопаркни 7 кун ичида бўшатиб қўйишларингизни талаб қиламиз», дейилган эди.

«Ватанпарвар» ташкилоти раҳбарлари хатни тўрт-беш марта ўқиб ҳам ақлга сиғдира олмадилар. Улар қоғозга жимжимадор имзо чеккан ва муҳр босган «Шоҳруҳ» хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбари Ҳ.Бойбобоев қалтисроқ ҳазиллашмоқчи бўлибди-да деган хулосага бориб, унга қўнғироқ қилдилар:

— Ҳазиллашяпсизми, биродар?

— Нима деяпсиз? Сизларга қарашли бутун мол-мулкни, бор-бисотларингни сотиб олганимизга саккиз йил бўлди!

— Бу мумкин эмас!

— Мана, қўлимда собиқ бошлиқларинг қўл қўйиб, муҳр босиб берган ҳужжатлар, шартнома, шаҳар ҳокимининг қарори... Ҳаммаси давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган. Ҳеч нарса билан ишим йўқ. Лекин шуни яхши биламанки, ҳозир сизлар банд қилиб турган Андижон шаҳар Истиқлол кўча 20-уй /жами 879 кв.метр/ 28 та хонаси билан, Чинобод кўча 10-уйда жойлашган автопарк ҳамда автомактаб барча майдонлари билан бизнинг ҳисобга ўтган. Ҳозир сизлар у ерда ижарада ўтирбсизлар.

...Кейин маълум бўлдики, собиқ раҳбар, қаллоб ва кўзбўямачи, учига чиққан учар Видрученко роса томоша кўрсатиб, жуфтакни ростлаб қолган экан. У «Ватанпарвар» вилояти ташкилотига тегишли жойлар, мулкни енг учида пуллаб юбориб, ҳеч нарса кўрмагандай, лаб ялаб юраверган. Бироқ, сохта ҳужжатларни шаҳар ҳокимлигидан қандай ўтказиб, қарор чиқартириб, нотариусдаги қонуншуносларнинг бошини қандай айлантиролди экан?! Хўш, «Ватанпарвар» вилоят кенгашининг борбисоти сотилиб, бировнинг хусусий мулкига айланиб кетса, каттагина меҳнат жамоаси қаерда ишлайди, деб ўйлаб кўришмагани янада қизиқ. Мабодо шу чиркин ният амалга ошса аҳолини хавфсиз жойларга кўчиришга тайёрлаб қўйилган 60 та автомашина, ҳайдовчилар тайёрлашга мўлжалланган ўнлаб транспорт воситалари қаерда қолади?! Ҳайдовчилар тайёрлаш курслари қаерда машғулот ўтказади?! Шаҳар ҳокимлигидаги мутасаддилар сохта ҳужжатларни кўриб чиқаётганда, ишнинг бу томонини ўйлашмадимикан? Ё фирибгар Видрученконинг бу сон-саноқсиз бинолар-у катта майдонларнинг ҳаммаси — хусусий ҳовли жойим, деб кўрсатганига чиппа-чин ишониб қолаверишдимикан!

Вой Видрученко тушмагур-эй! Кейинги йилларда босар-тусарини билмай, қўш-қўш уй-жойлар қурдира бошлаган, шахсий машиналар сотиб олишга киришган эди-я?

«Ватанпарвар» вилоят кенгашининг янги раҳбарлари барча сохталиклар ва ҳайлакорликни баён этган ҳолда, вилоят хўжалик судига ариза ёздилар. Суд даъвогарнинг талаблари-ю, «Шоҳруҳ» — фирмаси бошлиғининг кўрсатмаларини «тарозига солиб кўриб», фирма фойдасига қарор чиқарди: «Даъво рад этилсин».

«Ватанпарвар» жамоаси «Шоҳруҳ» фирмаси бошлиғининг дағдағали хатидан қандай ҳанг-манг бўлишган бўлса, суднинг бу қароридан ҳам худди шундай аҳволга тушишди.

— Ахир бизнинг молмулкимизни бошдан-оёқ найрангбозлик оқибатида сотиб олишган! Биз ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қиляпмиз! Фирма бизнинг молмулкимизни сотиб олишга ҳеч қандай қонуний кучга эга эмас! Чунки олдисотдига асос бўлган ҳужжатларнинг ҳаммаси сохта! Бунинг устига энг керакли ҳужжатлар етарли эмас. Масалан, олди-сотди учун республика «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг розилиги ва рухсатномаси олинмаган!

— Тўғри, — дейишди суддагилар, — лекин сизларнинг даъво қилиш муддатларинг ўтиб кетган-да!

— Ахир, мухтарам судя, биз бу қаллобликдан куни кеча хабар топдик. Видрученко Россияга кўчиб кетганидан кейин бир ҳафта ўтказиб, Ҳ.Бойбобоев бизга талабнома ёзганидан кейингина билдик. Ўтган 8 йил ичида на Бойбобоев, на Видрученко бу ҳақда оғиз очишмаган. Ҳатто ҳисобчимиз ҳам билмаган. Ҳисобчимизга бир гал 980 минг сўм, бир гал 39 миллион сўм-купон пул тушганида, ҳисобчимиз бу адашиб келган пул деб қайтариб юборган экан. Ахир кўра-била туриб эгри йўл тутганларга ён босяпсизлар-ку!

Дарҳақиқат, суднинг ён босаётганини кўрган «Шоҳруҳ» фирмаси бошлиқлари шерланиб кетиб, энди даъво билан чиқа бошладилар: «Ватанпарвар» ташкилоти шунча йилдан бери бизга қарашли бино ва жойларни эгаллаб келаяпти. Ҳар йил учун юз минг сўмдан ижара ҳақи тўласин!»

Икки жамоа ўртасидаги даҳанаки ва ёзма «жанг» қизигандан қизиб бораверди. Ўртада судлар гоҳ унисини, гоҳ бунисини ҳақ деб қарор чиқардилар. Иш бир ярим йил давом этди, одамлар бир ярим йил идорама-идора югурдилар. Асаблар қақшади, ишга путур етди, ҳақиқат озор чекди.

Охири бу оворагарчиликларга Ўзбекистон Олий Хўжалик суди узил-кесил чек қўйди. Суд «Ватанпарвар» вилоят кенгашининг кассация шикоятини қаноатлантирди. «Шоҳруҳ» ишлаб чиқариш фирмаси ҳисобидан кенгаш ҳисобига маълум миқдорда пул ундириб бериш юзасидан қарор чиқарди ва энг муҳими, қарор қабул қилинган кундан бошлаб қонуний кучга кирганини, унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмаслигини уқдириб қўйди.

Шундан кейингина мудофаага кўмаклашувчи жамоа бироз енгил нафас олди. «Бироз» дейишимизнинг боиси шундаки, сувни лойқалатиб, «балиқ овлаб кетган» жиноятчи ҳали «қора курси»га келиб ўтиргани йўқ. Николай Видрученко ўз мансабини суистеъмол қилишда, ҳар кимларнинг номидан ўзи имзо чекиб, ҳужжатларни сохталаштиришда, ноқонуний шартномалар тузишда, бошқа кўзбўямачиликларда, узоқ вақт ўз меҳнат жамоасини, юқори ташкилотларни лақиллатиб келишда айбланиб, қонун олдида жавоб бериши керак! Шунисиям борки, у то ўз уйлари ва автомашиналарини сотиб бўлиб, Россияга кўчиб кетгунича қилинган жиноий ишлари ҳақида оғиз очмаслик юзасидан кимлар биландир келишиб олган. Тутоқиб кетасан киши. Қани бу ерда ўз ерига, она заминга садоқат. Бир қаллоб кимларнидир лақиллатиб, чув тушириб, бойликларимизни ўмариб, четга жуфтакни ростлаётганини кўриб, билиб турганлар қандай жим туришди, қандай?

— Хайрият, собиқ учар раҳбаримиз жазосиз қолмайдиган бўлибди, — хабар қилишди «Ватанпарвар» вилоят кенгашидагилар мазкур мақола ёзилган кунда, — суд Н.Видрученко устидан жиноий иш қўзғатиш бўйича хусусий ажрим чиқарди!

Муҳаммаджон АБДУКАРИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма тадбири

БАҲРОМ ВА УНИНГ ДЎСТЛАРИ

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси қошида фаолият кўрсатаётган «Нурчи» тармоқ жисмоний соғломлаштириш ва спорт жамияти ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлаш, соҳа меҳнаткашларини оммавий спортга жалб этишда муҳим ўрин тутмоқда. Буни жамият томонидан ўтказилаётган турли анъанавий тадбирлар — теннис турнирлари, миллий кураш беллашувлари, тармоқлараро спартакиадалар ҳам кўрсатиб турибди.

Жамиятнинг хайрли ишларидан яна бири — корхона ва ташкилотларда бошланғич жисмоний тарбия ва спорт жамоалари тузилганлигидир. Таъкидлаш керакки, уларга спортсоғломлаштириш ишларини йўлга қўйишда, мусобақаларни ўтказишда, зарур спорт жиҳозларини харид қилишда жамият томонидан доимий равишда ёрдам кўрсатилмоқда.

— Йил давомидаги тадбирларимиз тақвими ҳар йил бошида Марказий қўмита раёсати томонидан тасдиқланади, — дейди "Нурчи" спорт жамияти раиси Ниёзхўжа Тешабоев. — Унга мувофиқ зарурий маблағ ажратиб келинмоқда.

Шу боис ҳам спорт жамоаларида арзигулик ютуқлар қўлга киритилмоқда. Хусусан, Ширин шаҳридаги Сирдарё Давлат иссиқлик электр станцияси қошида касаба уюшма ва маъмурият томонидан эшкак эшиш спорт базаси ташкил этилган. Яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган республика биринчилигида Сирдарё ДИЭСи эшкакчилари муваффақиятли иштирок этдилар. 1984 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган академик эшкак эшиш мусобақаларида спорт базаси тарбияланувчиси Владимир Черненко чемпионлик унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, Владимир жуфтликда ҳам жамоадоши Баҳром Қулматов билан биргаликда ғолибликни қўлга киритди. Бундан ташқари, С.Тян, Ю.Шахсуварян, Р.Аненков ва В.Чекменевларга ҳам омад кулиб боқди.

1983 йилда туғилган ёшлар ўртасидаги мусобақаларда бир кишилик эшкак эшиш бўйича Сергей Богданов ғолиб чиқди. Тўрт кишилик жуфтликда эса Сергей мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрган Владимир Цой, Артём Лисицкий, Шавкат Асановлар билан биргаликда вилоят шарафини яна бир карра муносиб ҳимоя қилди.

М.ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» амалда

ИНСТИТУТ СПОРТ МАЖМУИ

Мамлакатимиз таълим тизимида ҳам ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида белгилаб берилган устувор вазифалар босқичма-босқич амалиётга жорий этилаётир.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида билимдон ва малакали мутахассис кадрлар тайёрлаб, мамлакатимиз халқ хўжалигига сафарбар этиш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган. Шунингдек, ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, соғлом авлодни тарбиялаш ҳам олийгоҳ жамоасининг доимий диққат-эътиборида. Айни чоғда институтда мавжуд 4 та факультетда жами 3015 нафар талаба ўзлари танлаган мутахассисликлар бўйича таҳсил олмоқда. Уларга 216 нафар малакали профессор-ўқитувчи биркитилган. Керакли илмий адабиётлар, қўлланмалар, техник воситалар билан жиҳозланган кенг ва ёруғ аудиториялар, компьютер хоналари келажакда билимдон мутахассис бўлиш ёхуд фан чўққиларини забт этишни кўзлаётган толиби илмлар ихтиёрига бериб қўйилган. 220 нафар йигит-қиз истиқомат қилаётган 2 та талабалар уйида яратилган қулайликларни кўриб ҳавасингиз келади. 2 қаватли ошхона ҳамда суратхона ёшлар хизматида. Айтганча, ҳозирда «Ёшлар клуби» ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шу боис талабалар доцент Мэлс Акромов раҳбарлик қилаётган мазкур клубга бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида тез-тез ташриф буюрадилар.

114 мингга яқин китоб фонди, учта ўқув залига эга илм масканининг бош кутубхонасида эса китобхонлар 40 турдаги мамлакатимиз ҳамда 17 турдаги хориж газета-журналлари ҳамда кўплаб бадиий ва илмий адабиётлар билан мунтазам равишда танишиб бориш имкониятига эгадирлар. Кутубхона мудираси Норой Келдиёрованинг мамнуният ила билдиришича, янги ўқув йили бошида кутубхона махсус таъмирланган замонавий бинода иш бошлайди.

—Институтимиз спорт мажмуи ҳақиқий соғломлаштириш марказига айланган, —дейди мураббий-ўқитувчи, спорт устаси Ориф Пардаев. — Бу ерда республика миқёсидаги мусобақалар ҳам тез-тез ўтказиб турилади.

Бинобарин, мажмуанинг спорт анжомлари билан етарли даражада жиҳозланган катта ҳамда кичик залларида мини футбол, қўл тўпи, волейбол, баскетбол, кураш бўйича талабалар ва ўқитувчилар ўртасида турли мусобақалар ўтказиш яхши анъанага кириб қолган. Спорт мажмуи қошида фаолият кўрсатаётган турон яккакураши, шахмат-шашка, футбол, дзюдо, стол теннриси, каратэ каби тўгарак ва секцияларда 500 нафарга яқин талаба-ёшлар тажрибали мураббийлар раҳбарлигида саломатликларини мустаҳкамлаш билан бирга, ўз маҳоратларини ҳам тобора ошириб бормоқдалар. Ана шундай ёшлардан бири, агромуҳандислик факультети бакалавиатура босқичининг 2-курс талабаси Нурилло Жумаев дил сўзларини қуйидагича баён этди:

— Биз — талабалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга қизиқиш, иштиёқ катта. Шу боис бўлса керак, ҳозирги кунда институтимизда фаолият кўрсатаётган ўндан ортиқ спорт тўгараги ҳамда секция машғулотларида жуда кўплаб талабалар қатнашяпти. Маданий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳам муваффақиятлар гарови бўлмоқда, десам хато қилмаган бўламан.

Чиндан ҳам илм масканида ижтимоий ҳимоя масаласи энг устувор вазифалардан бири саналади. Хусусан, 123 нафар қўмакка муҳтож талаба ҳамда профессор-ўқитувчиларга ҳар байрам арафасида моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Кўп йиллар олийгоҳда ишлаб, ҳозирда нафақа гаштини сураётган устозлар ҳам маъмурият ғамхўрлигини ҳис қилиб турибдилар. Улар ҳолидан ҳар доим талаба-ёшлар, ўқитувчилар хабар олиб туришади.

Дарвоқе, бугун институт хорижий мамлакатлар билим юртлари билан кенг миқёсда алоқалар ўрнатмоқда. Масалан, Украина муҳандислик академияси олимлари билан ҳамкорликда турли дарсликлар, илмий қўлланмалар яратилмоқда. Атроф-муҳит муҳофазаси ва экология кафедраси эса экология бўйича халқаро ташкилот аъзоси ҳисобланади. Айтганча, яқин кунларда ушбу кафедра битирувчилари — 12 нафар муҳандис-эколог илк қалдирғочлар сифатида вилоят халқ хўжалигининг турли соҳаларига — жўшқин ва қайноқ ҳаётга йўл оладилар.

Ҳа, институтда олиб борилаётган шу ва шу каби хайрли ишлар ўз самарасини кўрсатаётир. Ўнлаб талабалар турли грантларни қўлга киритиб, ривожланган хориж мамлакатлари олийгоҳларида ўқиш имкониятини қўлга киритмоқда, нуфузли мукофотлар лауреати бўлмоқда. Жумладан, ўтган йили иститутнинг икки иқтидорли талабаси Республика Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси стипендианти деган номга сазовор бўлди. Эрта-индин улар сафи кенгайса, олийгоҳ дипломини олажак талабалар озод Ватанимиз тараққиётига, унинг нурли келажагига қўйилаётган пойдеворни янада мустаҳкамласалар, ажабмас.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ҳамкорлик

«ЎЗБЕКИСТОНДАГИ УКРАИНЛАР»

«Ўзбекистондаги украинлар» деб номланган адабий-публицистик телефильмнинг яратилиши Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги дўстлик алоқаларининг яна бир рамзий ифодаси бўлди. Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб ташкил этишга киришилган кўргазма ҳам шу ном остида томошабинларга тақдим этилади.

Украинанинг Черновци шаҳридаги халқ этник музейида очиладиган бу қизиқарли экспозициядан ўзаро дўстликни мадҳ этувчи фотосуратлар, турли ёзишма ва совға-саломларга кенг ўрин берилади.

Бундай экспонатларни тайёрлашга «Ўзбекистон-Украина» дўстлик жамияти яқиндан ёрдам берди.

Биласизми?

МАТЕМАТИК СТЕНОГРАФИЯ

Венгриялик ҳуқуқшунос Л.Мольнар математик ҳисоблашнинг тамомила янги усулини ишлаб чиқди. Бу усулни математик стенография деб аташ тўғрироқ бўлади.

Ушбу тизим тўрт амалдан ва умуман рақамлардан бутунлай ҳоли бўлиб, стенографиядагига ўхшаш белгилар асосига қурилган. Бунда муайян эгри-бугри белгиларнинг бирбирига туташтирилиши натижасида ўз-ўзидан ҳисоблаш натижаси келиб чиқади. Масалан, қўшувда тўғри бурчакли тегишли шакллар чизиб, улар қўшиб ўқилса, керакли ҳосила чиқади-қўяди.

Бу усул ёрдамида ҳатто даражага кўтариш ва илдизни чиқариш амалларини ҳам жуда аниқ қилиб бажариш мумкин.

Шунингдек, 6-7 хонали рақамларни кўпайтиришни ҳам ўртача қувватли ҳисоблаш машиналаридан кўра тезроқ бажарса бўлар экан.

Акбар АЛИЕВ
тайёрлади.

«ЗАМИН БИТТА, ВАТАН ЯГОНА»

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими билан биргаликда Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасига қарашли ҳарбий қисмда учрашув ўтказди.

— Чегара топталса, эр йигит ғурури поймол этилгандек бўлади, - деди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Муҳаммаджон Матаев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Навоийлик оддий аскар Азиз Мадатов мард йигитлардан экан. Отасига раҳмат. Юртимиз бойлигини чегарадан олиб ўтмоқчи бўлган кимсаларнинг ҳийла-найрангига учмади. Ўз мақсадига айёрлик билан етолмагач, бойликка ҳирс қўйган кимсалар куч ишлатдилар. Чегарачини итга талатдилар. Азизжон ғараз ниятли одамлар билан олишди. Хизмат вазифасини ҳалол бажарди. Унинг жасурлиги муносиб тақдирланди. Қисм командирининг буйруғига асосан хизмат таътилида бўлиб келди. Йигитларимиз ичида А.Мадатовга ўхшаш кўркмас, эътиқодига собит аскарларимиз кўп.

Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаш ўзларига ишониб топшириб қўйилганлиги уларнинг кучларига-куч қўшиши шубҳасиздир. Юрт тинчлигини ҳимоялаш, Ватанни қўриқлаш туйғуси республикамизнинг турли вилоятларидан келган йигитларни бир-бирини қалбан тушунишга ва қўллаб-қувватлашга кўмаклашяпти.

Ижодкорлар билан учрашув аскарларимизни бир зумга бўлса-да оила бағрига қайтариб, ота-она диддорини кўрсатгандек бўлди.

Юртим жамоли



Футбол: мамлакат чемпионати

ДАРВОЗАБОННИНГ ХАТОСИ

«Пахтакор»га қимматга тушди

Барча мухлисларга хос бир хусусият бор: ҳеч ким ўзи «қўнгил қўйган» жамоасини бошқалардан паст билмайди. Баъзан учраб турадиган нохолислик ҳам аслида шундан. Нимасини яширайлик, кўплаб футбол шинавандалари ўн бешинчи турнинг марказий учрашуви деб эътироф этилган «Пахтакор» — «Нефтчи» жамоалари ўртасидаги баҳсни муайян сабабларга кўра 27 июлда бўладиган Ўзбекистон кубоги финал матчи олдидан ўзига хос кўрик сифатида баҳолаганликлари ҳам асоссиз эмас. Яъни, Қаршида «Насаф» билан дуранг ўйнаган «Пахтакор» кўпчилик назарида 16 июнга белгиланган жавоб учрашувини ғалаба қийинчиликсиз ўз фойдасига ҳал қиладиган даражада кучга эгадек туюлганди. Афсуски...

Эътироф этиш лозим: бу матч умуман олганда майдон эгаларининг анчайин устунлиги остида ўтди. Йигирманчи дақиқада Алексей Жданов томонидан амалга оширилган гол тошкентликларни ҳатто олдинга олиб чиқди. Бу устунлик иккинчи бўлимда ҳам сезилиб турди. Жамоа сардори Шуҳрат Раҳмонқулов икки бор жуда қулай вазиятлардан дарвозани аниқ мўлжалга ола билмади. А.Жданов ҳамда Н.Куттибоевда ҳам тўп киритиш учун яхши имкон бўлди, лекин яна уринишлар самарасиз тугади.

Футболда «сен урмасанг, сенга урадилар» деган нақл бор. Ушбу учрашувда у яна бир карра тасдиқдан ўтди. 75-дақиқада Анвар Бердиевнинг зарбасини «Пахтакор» дарвозабони ушлаб қололмади, ҳимоячиларнинг саросимага тушиб қолганидан фойдаланган Рустам Дўрмонов тўпга биринчи бўлиб етиб келди. Ҳисоб тенглашди. Шу аснодан бошлаб майдонда тенглик ҳукм сурди. Лекин омад шу куни фарғоналикларда экан, учрашув тугашига бироз қолганда А.Бердиев боши билан йўллаган тўп қаршисида Олег Беляков ожизлик қилди. Дарвозабон яна қўпол хатога йўл қўйди. Биз бу ҳақда илгари шарҳларимизда ҳам айтган эдик: терма жамоа асосий қўриқчисининг бундай хатоларни тез-тез такрорлаши, ўйлаймизки, футбол мутасаддиларини жиддий ташвишга солиши лозим ва бу жумбоқ ечимини зудлик билан топишни тақозо этади. Акс ҳолда, ҳеч кутилмаган жойда бош қашиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Бу мағлубият «Пахтакор»нинг чемпионлик учун курашини анча мушкиллаштирган бўлса, бошқа жамоалар — «Насаф» ва «Дўстлик»ка мазкур марафонда имкониятлар йўқотилмаганини эслатгандек бўлди. Чунончи, ҳар икки жамоа ушбу турда ишончли ғалаба қозондилар. «Дўстлик» ўз майдонида самарқандликларни 2:0 ҳисобида мағлуб этган бўлса, «Насаф» эса Термизда маҳаллий «Сурхон»ни ҳар жиҳатдан таслим этди. Ҳисоб 2:4. Энг йирик ҳисоб Ангренда «Семурғ»-«Бухоро» матчида қайд этилди: 1:6.

Икки учрашувда дарвозалар дахлсизлиги сақлаб қолинди — «Кимёгар»-«Сўғдиёна» ва «Турон»-«Академия»-0:0. Навоийда «Зарафшон» Тошкентнинг «Трактор» дарвозасига жавобсиз уч тўп киритди. «Навбаҳор» жамоаси эса «Қизилқум» устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, медаллар учун курашдан ҳали воз кечмаганлигини тасдиқлади. Ниҳоят, бекободликлар кўчасида ҳам байрам бўлди: «Металлург» жамоаси кейинги турларда ўз ўйинини топиб олаётган «Андижон» жамоасидан зўр қийинчилик билан бўлса-да (3:2), уч очко тортиб олди.

15 ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

ЖАМОАЛАР	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Нефтчи»	14	12	2	0	43-11	38
2.«Насаф»	15	11	2	2	34-13	35
3.«Пахтакор»	12	9	0	3	29-13	27
4.«Дўстлик»	14	8	3	3	29-16	27
5.«Навбаҳор»	14	8	0	6	21-21	24
6.«Академия»	15	6	5	4	28-18	23
7.«Трактор»	15	7	2	6	26-23	23
8.«Самарқанд-Д»	14	7	1	6	26-23	22
9.«Бухоро»	14	7	1	6	26-25	22
10.«Қизилқум»	14	6	2	6	13-14	20
11.«Зарафшон»	13	5	3	5	21-16	18
12.«Андижон»	14	5	1	8	29-29	16
13.«Сўғдиёна»	14	4	2	8	16-21	14
14.«Кимёгар»	14	3	3	8	11-23	12
15.«Металлург»	14	2	6	6	11-26	12
16.«Турон»	13	3	1	9	7-27	10
17.«Сурхон»	15	3	0	12	16-39	9
18.«Семурғ»	14	2	2	10	16-44	8

Навбатдаги тур учрашувлари чоршанба куни ўтказилади. Ушбу турда «Насаф» дам олади, «Нефтчи» эса «Металлург» жамоаси меҳмони бўлади.

З.РИХСИЕВ.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

БОҒЧА ХЎЖАЛИК ОТАЛИҒИДА

Китоб туманидаги «Севаз» қишлоғида жойлашган «Нилуфар» болалар боғчасида 120 нафар кичкинтой тарбияланади. Туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги кичкинтойлар масканининг асосий ҳомийси ҳисобланган Навоий номли ширкат хўжалиги маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси болалар боғчасида тарбияланувчиларга янада қулай шароитлар яратиш мақсадида бир мунча ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, ҳомийлар қиш мавсумида боғчани ўтин ва кўмир билан таъминлабгина қолмай, боғча тўловларининг 50 фоизидан ота - оналарни озод этганлар. Шунингдек, улар боғчага мунтазам равишда гўшт маҳсулотлари етказиб бермоқдалар.

— Хўжалик боғчамизни таъмирлашда ҳам бош кўмакчи, - дейди боғча мудираси Чучук Умарова. — Бундан ташқари ёзда сархил мевалар билан таъминлаб, болажонларнинг дармондориларга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда.

11 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилувчи хўжаликда 5 та мактаб, 2 та болалар боғчаси мавжуд. Зарур ҳолларда бу таълим-тарбия масканлари учун хўжалик маъмурияти ҳам беминнат ёрдамини аямайди. Бундай ғамхўрликдан мамнун бўлаётган хўжалик аъзолари ишда юқори унумга эришмоқдалар.

Ш.СУЛТОНОВ.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий ва шаҳар қўмитаси Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси раиси Ноила Умаровага акаси

Қобил ОДИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Сарбонир» масъулияти чекланган жамият фаолияти тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади. тел: 68-36-67.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6